

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**48-сон**  
**(964)**  
**2020 йил**  
**7 декабрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

529. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги ЎРҚ–650-сон Қонуни
530. «Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги ЎРҚ–651-сон Қонуни
531. «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 1 декабрдаги ЎРҚ–652-сон Қонуни

532. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрдаги ЎРҚ–653-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

533. «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ–6121-сон Фармони
534. «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ–6122-сон Фармони
535. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 ноябрдаги ПҚ–4903-сон қарори
536. «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ–4910-сон қарори
537. «Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ–4911-сон қарори
538. «Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ–4912-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

539. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 51-сон, 2020 йил 9 ноябрдаги 2020-39-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-3*)
540. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 52-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги 2020-41-сон, 2020 йил 18 ноябрдаги 21/14-сон «Телекоммуникация хиз-

матларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268-2*)

541. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 24 ноябрдаги 201-мқ-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3160-1*)
542. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 20 ноябрдаги 307-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-1*)
543. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 28 ноябрдаги 5-сон, Олий судининг 2020 йил 25 ноябрдаги 667-сон, Бош прокуратурасининг 2020 йил 23 ноябрдаги ққ-63-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 54-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 12-2020-сон «Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек, стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548-2*)
544. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 24 ноябрдаги 2020-43-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-5*)

545. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 22/2-сон, 2020 йил 19 ноябрдаги 01-02/15-47-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1326-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 529 Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 3 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 20 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони таъсис этилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда, № 5, 299, 300-моддалар, № 6, 334-модда) **7-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»;

**ўн олтинчи — ўттиз бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн еттинчи — ўттиз олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида**»ги 226-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5-6, 114-модда, № 9, 164-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

**1) 1-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 декабрда эълон қилинган.

**ўн олтинчи — ўттиз бешинчи** хатбошилари тегишинча **ўн еттинчи — ўттиз олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони тўғрисидаги матндан кейин қўйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони ер ости бойликлари геологияси ва қидируви соҳасини ривожлантириш, геология-қидирувга оид ишлаб чиқаришни кенгайтириш, минерал-хом ашё базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, фойдали қазилма конларини очиш ва саноат йўсинида ўзлаштиришга топшириш, геология-қидирув ишларини амалга оширишда ва фойдали қазилмаларни қазиб олишда экологик жиҳатдан тоза илғор ва инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, соҳа учун чуқур билимга эга кадрлар тайёрлаш борасидаги катта хизматлари учун геология, геофизика, гидрогеология, топография-геодезия тармогининг юқори малакали геологлари ва муҳандис-техник ходимларига ҳамда илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг тажрибали мутахассисларига берилади»;

3) **Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвонининг кўкрак нишонига оид тавсиф матндан кейин қўйидаги мазмундаги **матн** билан тўлдирилсин:

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг юз томони марказида, кўтарилаётган қуёш нурлари фонидда, юртимизнинг ноёб табиати ва бой ресурсларини акс эттирувчи водий, дарё ва тоғ чўққилари ҳамда унинг юқори қисмида иккита кесишган геологик болға ва компас акс эттирилган.

Нишоннинг айланаси бўйлаб пастки ўнг қисмида дафна новдаси ва юқори қисмида «XIZMAT KO'RSATGAN GEOLOG» ёзуви жойлашган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Нишоннинг юз ва орқа томонлари чеккалари қабарик ҳошия билан ўралган.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга халқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

Қадағичнинг бўйи 16 миллиметр, эни 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига нишонни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 ноябрь,  
ЎРҚ-650-сон

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»  
фахрий унвони**

Олд томони



Орқа томони



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**530** Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 23 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **18-модданинг бешинчи қисмидаги** «телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш»

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 декабрда эълон қилинган.

деган сўзлар «телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **87-модданинг биринчи қисмидаги** «телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш» деган сўзлар «телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **21-боб** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«21-боб. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш**

**169-модда. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш учун асослар**

Агар иш бўйича тўпланган далиллар иш учун аҳамиятга молик маълумотлар олиниши мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса, суриштирувчи, терговчи телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

**170-модда. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тартиби**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш суриштирувчининг, терговчининг прокурор томонидан санкция берилган қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан амалга оширилади.

Жабрланувчига, гувоҳга, худди шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлган тақдирда, ушбу шахсларнинг аризалари бўйича ёхуд уларнинг ёзма розилиги ҳамда прокурорнинг санкцияси билан ёки суднинг ажримига кўра уларнинг телефонлари ёхуд бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш амалга оширилиши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда суриштирувчи, терговчи прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, унинг санкциясиз телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ах-

боротни олиш тўғрисидаги қарорни махсус ваколатли давлат органига юборишга ҳақли. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақидаги прокурор томонидан санкция берилмаган қарор бир сутка давомида қонуний кучга эга бўлади.

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги қарори ёки ажрими унда эшитиб туриладиган ахборотнинг хусусияти ҳамда ҳажми, шунингдек сўзлашувларни эшитиб туриш, маълумотлар узатилишини олиб боришни ва натижаларини қайд этиш шакли белгиланиб, ушбу қарор ёки ажрим махсус ваколатли давлат органига ижро этиш учун юборилади. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш чоғида олинган ахборот қайд этилиши (ёзилиши) керак. Қайд этилган ахборот (ёки ёзув) тергов ҳаракати баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

**171-модда. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш баённомаси**

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишни ҳамда қайд қилишни амалга оширган шахс ишга алоқадор ахборотнинг мазмунини баён этган ҳолда баённома тузади. Сўзлашувлар, хабарлар ва маълумотлар ёзуви муҳрланади ҳамда баённомага қўшиб қўйилади.

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш баённомасида абонентнинг рақами, эшитиб туриш ва қайд қилиш вақти ҳамда жойи, фойдаланилган техник воситаларнинг тури ва модели, бу ишларни амалга оширган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар ҳам акс эттирилади»;

4) **382-модда учинчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тинтув ўтказишга, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга ҳамда улар орқали узатиладиган ахборотни олишга, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ҳамда бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабар-

лари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига руҳсат беради».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида**»ги 721–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 641-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **6-моддасининг учинчи қисмидаги** «унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш» деган сўзлар «унинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–344-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 891-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модда:**

**ўнинчи — ўн учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадида турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир;

почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда телеграф хат-хабарларини ношкора танлаб олиш ва ўрганишдан иборат бўлган тадбир;

телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ах-

боротни олиш — махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган сўзлашувларни, шу жумладан узатиладиган матнли, график ва мультимедиа ахборотини ношкора эшитиб туриш, тутиб қолиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир;

абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш — абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ношкора олишдан иборат бўлган тадбир»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирлари махсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилади»;

## 2) 16-модданинг:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади»;

**иккинчи қисмидаги** «орган раҳбарининг асослантирилган қарори» деган сўзлар «орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига таҳдид юзага келган тақдирда, уларнинг телефонлари ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитишга мазкур шахсларнинг аризасига ёки ёзма розилигига кўра» деган сўзлар «Фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, худди шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан таҳдид юзага келган тақдирда, уларнинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишга мазкур шахсларнинг аризасига ёки ёзма розилигига кўра» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «Турар жойларни ва бошқа жойларни, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини, транспорт воситаларини текшириш, тезкор кузатув, алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, ахборот олишнинг бошқа техник воситаларини қўллаш ҳамда почта курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш» деган сўзлар «Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, тезкор кузатув, почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш, телефонлар ва бошқа телеком-

муникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **18-модданинг учинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида белгиланади» деган сўзлар «тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳужжатларида белгиланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «орган раҳбарининг қарори» деган сўзлар «орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақат мазкур органлар раҳбарларининг қарори асосида» деган сўзлар «шунингдек махсус ваколатли давлат органининг куч ва воситалари билан ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақат мазкур органлар раҳбарларининг тасдиқлаган қарори асосида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **21-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа каналлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланишига доир ҳуқуқларни, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи» деган сўзлар «Турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлиги асослантирилган ҳолда прокурорга тақдим этилади»;

6) қуйидаги мазмундаги **28<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«28<sup>1</sup>-модда. Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорлик**

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва турдош халқаро ташкилотлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги тадбирларда иштирок этиши масалалари юзасидан халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 ноябрь,  
ЎРҚ-651-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**531** **Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсири юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 20 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган «**2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида**»ги ЎРҚ-589-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 883-модда; 2020 йил, № 5, 297-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 декабрда эълон қилинган.

1) **8-илованинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкаси		
		2020 йил 1 январдан	2020 йил 1 апрелдан	2020 йил 1 октябрдан
1.	Озик-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фр акцияси (1 дал учун)	10 800 сўм		
2.	Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун): табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда) бошқа винолар	7 700 сўм 14 500 сўм		
3.	Коньяк (1 дал тайёр маҳсулот учун) ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган коньяк	102 000 сўм 168 100 сўм		
4.	Ароқ ва бошқа алкоғоли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун) ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган ароқ ва бошқа алкоғоли маҳсулотлар	98 000 сўм 162 700 сўм		
5.	Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)	10 600 сўм		
6.	Филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар	141 500 сўм / 1000 дона + 9,0 фоиз*	152 800 сўм / 1000 дона + 9,0 фоиз*	163 500 сўм / 1000 дона + 9,0 фоиз*
7.	Заргарлик буюмлари	25%		
8.	Мобиль алоқа хизматлари	20%		
9.	Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11%		
10.	Нефть маҳсулотлари:			
	Аи-80 бензини	200 000 сўм/ тонна		
	Аи-91, Аи-92, Аи-93, Аи-95 бензини ва ундан юқори дизель ёқилгиси	250 000 сўм/ тонна 200 000 сўм/ тонна		
	ЭКО-дизель ёқилгиси	180 000 сўм/ тонна		
	авиакеросин	180 000 сўм/ тонна		
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	250 000 сўм/ тонна		
11.	Табiiй газ, шу жумладан, экспорт	20%		
12.	Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ («Худудгазтаъминот» АЖ орқали аҳолига сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно), шу жумладан, экспорт	30%		
13.	Полиэтилен гранулалар	30%		
14.	Якуний истеъмолчига сотиладиган:**			
	бензин	1 литр учун 285 сўм/ 1 тонна учун 378 480 сўм		
	дизель ёқилгиси	1 литр учун 285 сўм/ 1 тонна учун 346 275 сўм		
	суюлтирилган газ	1 литр учун 285 сўм/ 1 тонна учун 540 645 сўм		
	сиқилган газ	1 куб.метр учун 435 сўм		

\* Акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси акциз тўланадиган товарлар натура ифодасидаги ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солиғининг адвалор ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган ҳолда реализация қилинган товарлар қийматига нисбатан қўлланилади.

\*\* Бензин, дизель ёқилгиси ва суюлтирилган газни автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали сотишда акциз солиғи 1 литрдан келиб чиқиб, бошқа ҳолларда эса 1 тоннадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади»;

2) **11-илова** қуйидаги мазмундаги **изоҳ** билан тўлдирилсин:

*«Изоҳ: Қишлоқ хўжалиги ерларини сугориш ва балиқни кўпайтириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йил учун белгиланган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилади»;*

3) **14-илованинг изоҳи** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

*«2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотини чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўлашдан озод қилинади».*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **97-модданинг ўн учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

*«Ушбу бобнинг қоидалари солиқ агентларига ва ушбу Кодекснинг 482-моддасида назарда тутилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди»;*

2) қуйидаги мазмундаги **72-боб** билан тўлдирилсин:

#### **«72-боб. Алоҳида шароитларда солиқ мажбуриятларини бажариш**

**481-модда. Алоҳида шароитларда қўшимча ваколатлар бериш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилнинг алоҳида шароитларида қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир:

1) ушбу Кодексда ва «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва йиғимлар (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ мустасно) ставкаларини ўзгартириш;

2) ушбу Кодексда белгиланган солиқлар, шу жумладан улар бўйича бўнак ва жорий тўловлар ҳамда йиғимларни тўлаш муддатларини узайтириш;

3) солиқ, молиявий ҳисоботларни ва (ёки) солиқларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни, шунингдек уларни тақдим этмаганлик (ўз вақтида тақдим этмаганлик) учун жавобгарликни қўлламаслик асослари ва (ёки) шартларини тақдим этиш муддатларини узайтириш;

4) солиқлар, пенялар ва жарималарни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш, шунингдек уларни бериш тартиби ва шартларини қайта кўриб чиқиш;

5) солиқлар, йиғимлар, пенялар ва жарималарни тўлаш тўғрисидаги талабномаларни жўнатиш ва ижро этиш муддатларини, шунингдек солиқлар, йиғимлар, пенялар, жарималарни ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш муддатларини узайтириш;

6) солиқлар ва йиғимлар бўйича (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ мустасно) солиқ имтиёзларини бериш;

7) солиқлар, пенялар ва жарималарни мажбурий ундириш чораларини тўхтатиб туриш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши даврида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**482-модда. Солиқларни, солиқлар бўйича бўнак тўловларини тўлаш бўйича фоизсиз тўлашни кечиктиришнинг ёки бўлиб-бўлиб тўлашни қўллашнинг ва алоҳида шароитларда солиқ мажбуриятларини бажаришнинг вақтинчалик тартиби**

Солиқларни, солиқлар бўйича бўнак тўловлари бўйича фоизсиз кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти қуйидагилар бўйича берилади:

ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 6, 7 ва 8-бандларида кўрсатилган солиқлар бўйича — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, агар ушбу қисмнинг учинчи хатбошисида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса. Кўрсатилган солиқларга нисбатан кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти 2020 йил 31 декабрга қадар соддалаштирилган асосда, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга берилиши мумкин;

ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 6 — 9-бандларида кўрсатилган солиқлар ва айланмадан олинadиган солиқ бўйича — ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушумлар миқдори 2020 йилнинг биринчи чорагида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади ўртача ойлик кўрсаткичга нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камаядиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга. Бундай солиқларга нисбатан ушбу модданинг бешинчи қисмида белгиланган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиб, кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилган солиқлар суммалари кейинчалик тўланади.

Ушбу Кодекснинг 11-бобида назарда тутилган солиқларни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби солиқларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришнинг ушбу моддада назарда тутилган тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқларни, солиқлар бўйича бўнак тўловларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлашнинг:

1) ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган

имконияти — солиқ тўловчининг аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг хулосалари асосида, бошқа ҳужжатлар талаб қилиб олинмаган ҳолда берилади;

2) ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган имконияти — микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан улар солиқ органларига қуйидагиларни тақдим этган тақдирда қўлланилади:

солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича — мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича кечиктиришни (бўлиб-бўлиб тўлашни) қўллаш тўғрисидаги билдиришни ушбу Кодекс 417-моддасининг олтинчи қисмида, 432-моддасининг биринчи қисмида ва 448-моддасининг учинчи қисмида белгиланган солиқни, солиқ бўйича бўнак тўловини тўлаш муддатларидан кечиктирмай, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан эса мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича кечиктиришни (бўлиб-бўлиб тўлашни) қўллаш тўғрисидаги билдиришни;

солиққа доир ҳисобга олиш жойи бўйича — айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқ бўйича кечиктиришни (бўлиб-бўлиб тўлашни) қўллаш тўғрисидаги билдиришни солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун белгиланган муддат билан бир вақтда.

Солиқ тўловчилар томонидан ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган солиқларни, солиқлар бўйича бўнак тўловларини тўлаш бўйича кечиктиришни (бўлиб-бўлиб тўлашни) солиқ органларини хабардор қилмаган ҳолда қўлланилганлигига солиқларни, солиқлар бўйича бўнак тўловларини ўз вақтида тўламаганлик сифатида қаралади. Мазкур ҳолларда бундай солиқ тўловчиларни аниқлаган солиқ органлари тўланмаган солиқларнинг, солиқлар бўйича бўнак тўловларининг суммасига ушбу Кодекснинг 110-моддасида белгиланган тартибда пеня ҳисоблайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган, кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилган солиқларга нисбатан солиқнинг, солиқлар бўйича бўнак тўловларининг суммаларини тўлаш 2020 йил 1 октябрдан кейин амалга оширилади:

1) ижтимоий солиқ бўйича — олти ой давомида тенг улушларда, ушбу Кодекс 407-моддасининг бешинчи қисмида ва 408-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган солиқни тўлаш муддатларидан кечиктирмай;

2) қуйидагилар бўйича ўн икки ой давомида тенг улушларда:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича — ушбу Кодекс 417-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган солиқ бўйича бўнак тўловларини тўлаш муддатидан кечиктирмай, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса ҳар ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

юридик шахсларнинг ер солиғи бўйича — ушбу Кодекснинг 432-моддаси биринчи қисмида белгиланган солиқни тўлаш муддатидан кечиктирмай, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса — ҳар ойнинг ўн бешинчи санасидан кечиктирмай;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича — ушбу Кодекс

448-моддасининг учинчи қисмида белгиланган солиқ бўйича бўнак тўловларини тўлаш муддатидан кечиктирмай;

айланмадан олинadиган солиқ бўйича — ҳар ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай.

Солиқларни, солиқлар бўйича бўнак тўловларини тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган даврда солиқ тўловчи тугатилган тақдирда кечиктирилган (бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган) тўлов суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бюджет тизимида тўланади.

2020 йил учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғини тўлаш 2020 йил 15 октябрга қадар амалга оширилади.

2020 йилда фойда солиғининг солиқ тўловчиси жорий ҳисобот даври биринчи ойининг йигирманчи кунигача жорий ҳисобот даври учун фойда солиғи бўйича ҳар ойлик бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига мўлжалланаётган фойдадан келиб чиққан, фойда солиғини ўтган чорак натижалари асосида ҳисоблаб чиқаришнинг белгиланган талаби бекор қилинган ҳолда тақдим этишга ҳақлидир. Фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари суммасини камайтириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, солиқ органлари ҳар ойлик бўнак тўловлари суммасини қайта кўриб чиқишга ҳақли.

Ушбу Кодекснинг 393-моддасида кўрсатилган даромадлар бўйича солиқ тўловчилар 2019 йил учун жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги солиқ органига 2020 йил 1 августга қадар тақдим этади. 2019 йил учун жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация маълумотларига кўра жисмоний шахслардан олинadиган ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини тўлаш бундай декларацияни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

### **483-модда. Вақтинчалик солиқ имтиёзлари**

2020 йил 1 октябргача бўлган давр учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларни кечиктириш имконияти берилган даврда ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси жами даромад таркибига киритилмайди.

2020 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:

1) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти ва унинг таркибий бўлинмалари, «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи масъулияти чекланган жамиятлар шаклидаги халқаро аэропортлар, шунингдек «Ўзаэронавигация маркази» давлат унитар корхонаси:

юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқни ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғини тўлашдан озод қилинади;

ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

2) товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган, электрон ҳисоб-фактураларни қўлловчи қўшилган қиймат солиғи солиқ тўловчилари қўшилган қиймат солиғини ҳар чорақлик асосда, ушбу Кодекснинг 37-бобида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқаришга ва тўлашга ҳақли;

3) фойда солиғини ҳамда айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда жами даромад таркибига ушбу Кодекс 299-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган даромадлар киритилмайди;

4) қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва ижтимоий солиқни ҳисоблашни ҳамда тўлашни ушбу Кодекснинг 392 ва 408-моддаларида кўрсатилган, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини мажбурий тарзда тўхтатиб турган солиқ тўловчиларга нисбатан тўхтатиб туриш фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида юбориладиган фаолиятнинг вақтинчалик тўхтатиб турилиши тўғрисидаги билдириш асосида амалга оширилади.

Солиқ тўловчи фаолияти тикланган тақдирда фаолиятни амалга ошириш бошлангунига қадар бу ҳақида фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларини шунга ўхшаш тартибда хабардор қилиши шарт;

5) коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин объектларини қуриш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш материаллари ва бошқа товарлар қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини тўлашдан озод этилади;

6) ушбу Кодекс 415-моддасининг учинчи қисмида, 422-моддасининг олтинчи қисмида, 429-моддасининг тўққизинчи қисмида ва 437-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланган объектларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича оширилган солиқ ставкалари, шунингдек улар бўйича пеня ҳисоблаш ва қарздорликни мажбурий ундириш чоралари қўлланмайди».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг қоидалари 2020 йил 1 мартдан эътиборан юзага келадиган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 1 декабрь,  
ЎРҚ-652-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**532** **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-  
ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 20 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «**Давлат тили ҳақида**»ги 3561–XI-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 167–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 10, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **5-моддасидаги** «мактабгача тарбия болалар муассасаларини» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-394-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

1) **8-модда иккинчи қисмининг ўн тўртинчи** хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этади ҳамда ўтказади, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади»;

2) **10-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашда иштирок этади»;

3) **32-модданинг биринчи қисмидаги** «ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари» деган сўзлар «олимпия захиралари коллежлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–591-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 885-модда) **11-моддасининг тўртинчи хатбошисидаги** «мактабгача таълим муассасалари» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6,

300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда) **198-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«198-модда. Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш**

Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6,

153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи хатбошисидаги** «90, 109, 110, 161, 162-моддаларига» деган сўзлар «90, 109, 110, 161-моддаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **79-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«79-модда. Дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш**

Дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки

маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик шахсларга тегишли бўлган ёки ўзларига бириктирилган ҳудудларда дарахтларни муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаганлик, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

### 3) 91<sup>1</sup>-модда:

**Биринчи қисмининг санкциясидаги** «иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Иккинчи қисмининг санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Маиший ва қурилиш чикиндилари полигонларига жойлаштирилиши керак бўлган чикиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

### 4) 162-модда чиқариб ташлансин;

5) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «77-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90<sup>1</sup>, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар «77-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 79-моддасининг иккинчи қисмида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90<sup>1</sup>-моддасида, 91<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи қисмида, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоб-

ларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **261-модданинг биринчи қисмидаги:**

«78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида» деган сўзлар «78-моддасида, 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«91, 91<sup>1</sup>, 91<sup>2</sup>, 91<sup>3</sup>, 92, 93, 95-моддаларида» деган сўзлар «91-моддасида, 91<sup>1</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91<sup>2</sup>, 91<sup>3</sup>, 92, 93, 95-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«162-моддасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **287-модданинг 5-бандидаги** «162» рақами чиқариб ташлансин;

8) **291-модда биринчи қисмининг «в» кичик бандидаги** «162» рақами чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) **38<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмидаги** «1 гектардан» деган сўзлар «5 гектардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, № 10, 593, 595-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **37-модданинг учинчи қисмидаги** «мактабгача тарбия муассасаларида» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **214-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар) **19-моддасининг биринчи қисмидаги** «мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва бошқа муассасаларда» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларида, мактабларда ва бошқа муассасаларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **83-модданинг тўртинчи қисмидаги** «мактабгача таълим муассасалари» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **149-модданинг учинчи қисмидаги** «Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари» деган сўзлар «Ташкилотларнинг (мактабгача таълим ташкилотларининг, умумтаълим муассасаларининг, даволаш муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда) **6-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «кўпи билан беш нафар шогирдни» деган сўзлар «шогирдларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 215-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 11, 791-модда) **11-моддасининг бешинчи қисмидаги** «ихтисослаштирилган мактабгача тарбия болалар муассасаларига» деган сўзлар «кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «**Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–226-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 340-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 891-модда) **18-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «Мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «**Архив иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–252-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 233-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилаётганда уларнинг архив ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилиши керак»;

2) **7-модданинг:**

**номидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи хатбошисидаги** «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **17-модда** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

**«17-модда. Архивларнинг турлари ва тоифалари**

Архивлар давлат ва нодавлат архивлари турларида ташкил этилиши мумкин.

Давлат архивлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

миллий архивлар;

марказий давлат архивлари;

вилоят ва туман (шаҳар) давлат архивлари;

тармоқ давлат архивлари»;

**4) 20-модда:**

**иккинчи қисмидаги** «Давлат архивлари» деган сўзлар «Миллий архивлар, марказий, вилоят, туман (шаҳар) давлат архивлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тармоқ давлат архивлари тегишли вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари билан жамланади.

Нодавлат архивлар қонунчиликда белгиланган тартибда жамланади»;

**учинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**5) 24-модданинг иккинчи қисми** «давлат архивларига» деган сўзлардан кейин «электрон кўчирма нусхалари билан бирга, алоҳида қимматга эга бўлган ва ноёб ҳужжатлар учун эса суғурта нусхалари билан бирга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**6) 25-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат архивларининг бинолари мазкур архивларни архив ҳужжатларини сақлашни ва улардан фойдаланишни ташкил этиш талабларига жавоб берадиган бинолар билан таъминламасдан туриб бошқа шахсга ўтказилмаслиги лозим»;

**учинчи — олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **63-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежларида ва бошқа таълим муассасаларида сақлаб турилганлиги учун»;

2) **72-модда 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини» деган сўзлар «шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларини, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган «**2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида**»ги ЎРҚ–589-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 883-модда; 2020 йил, № 5, 297-модда) 21-моддасига қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмнинг иккинчи хатбошисидаги** «мактабгача таълим муассасаларининг» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмнинг иккинчи хатбошисидаги** «умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини» деган сўзлар «умумтаълим муассасаларини ва давлат мактабгача таълим ташкилотларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **243-модда биринчи қисмининг 1-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) мактабгача таълим ташкилотларида болаларга қараш бўйича хизматларни»;

2) **376-модда биринчи қисми 1-бандининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солиқ тўловчининг болаларини мактабгача таълим ташкилотларида ўқитиш, тарбиялаш ҳақини тўлаш».

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда) **иловаси** қўйидаги мазмундаги **49-банд** билан тўлдирилсин:

«

<b>49. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи</b>	
а) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштириш (тола ва уруғ)	БҲМнинг 3000 баравари
б) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида олиб кириш (олиб чиқиш) (тола ва уруғ)	БҲМнинг 200 баравари
в) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида қайта ишлаш (тола ва уруғ)	БҲМнинг 200 баравари
г) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида сақлаш (тола ва уруғ)	БҲМнинг 200 баравари
д) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида реализация қилиш (бериш) (тола ва уруғ)	БҲМнинг 200 баравари
е) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида олиш (тола ва уруғ)	БҲМнинг 200 баравари
ж) таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида ташиш (тола ва уруғ)	БҲМнинг 200 баравари

».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майда қабул қилинган ЎРҚ–621-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Соғлом турмуш**» медали тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 5, 300-модда) **1-бандининг бешинчи хатбошисидаги** «мактабгача таълим муассасаларининг» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**20-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 декабрь,  
ЎРҚ-653-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **533** Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада та- комиллаштириш тўғрисида\*

Ер участкалари ва мол-мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурслари, ер қабридан қазиб олинadиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланadиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилайди;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилади.

2. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда ер солиғи ставкаларини республиканинг ҳудудлари кесимида назарда тутсин. Бунда, 2021 йилда солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилансин:

жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 декабрда эълон қилинган.

3. Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари маъқуллансин:

деҳқон хўжаликлари ва мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарига ер солиғини ҳисоблашда ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ўрнатилганидек белгилаган ҳолда, жойлашган жой ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экин турлари коэффициентлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинзорлари норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш;

барча турдаги чиқиндиларни сақлаш ва уларни утилизация қилиш учун ажратилган ер участкаларини юридик шахслардан олинadиган ер солиғи учун солиқ солиш объектидан чиқариш;

тегишли сувни ҳисоблаш ҳисоблагичлари мавжуд бўлганда, ишлаб чиқариш жараёнида агрегатларни (турбиналарни) совутиш учун сувдан фойдаланувчи юридик шахсларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиққа тортиш базасини табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб ташланган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб ҳисоблаш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2020 йил даражасида сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни кўпайтириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисмида эса, шу жумладан, деҳқон хўжаликларига 1 куб метр учун 40 сўм миқдорда ягона солиқ ставкасини белгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда турли мақсадларда фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш тартибини киритиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органларига фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон кўринишда тақдим этиш тартибини белгилаш.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов) Молия вазирлигига республика ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун берилadиган лицензиялар мониторинги асосида улар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини белгилашга доир таклифларни киритиб борсин.

4. Давлат солиқ қўмитасига фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан қўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортик йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшейдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш учун зарур ускуналарни харид қилган ҳолда вилоятлар солиқ бошқармаларининг штат бирликлари доирасида 3 штат бирлигигача маркшейдерларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат солиқ органларига ваколатли орган ва судларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан солиқ қонунчилиги мунтазам равишда бузилган ва (ёки) фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда лицензияни чақириб олиш ёки тўхтатиб туриш масаласи бўйича ташаббус билан чиқиш ваколоти берилсин.

5. 2021 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан «Хавфсиз дарё» ДУКга дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун тўлов миқдори шартнома тузилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизидан 0,1 фоизига туширилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда норуда фойдали қазилмалари конларини ўзлаштириш ва уларнинг самарали казиб олинишини таъминлаш мақсадида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқсин.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 июлига қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ўрмон хўжаликлари, балиқ овлаш хўжаликлари, овчилик хўжаликлари, шунингдек, истироҳат боғларини солиққа тортиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизими икки босқичда жорий этилади:

биринчи босқичда (2021 — 2023 йиллар) — кўчмас мулк бўлган турар-жой фонди объектлари (квартира, яқка тартибдаги уй-жойлар, далаҳовли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан;

иккинчи босқичда (2022 — 2024 йиллар) — яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан.

8. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А. Қўчқоров), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев), зарурат туғилганда хорижий экспертларнинг хизматига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда уларни жалб қилиш орқали қуйидагиларни таъминласин:

а) кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимини модернизация қилиш учун Жаҳон банкидан имтиёзли кредитлар жалб қилинишини;

б) 2021 йил 1 апрелга қадар халқаро молия институтлари экспертлари билан биргаликда кўчмас мулк объектларига солиқ солишни янада тақомиллаштириш бўйича ер солиғи ва мол-мулк солиғининг ўрнига кўчмас

мулк солиғини киритишни назарда тутувчи «Йўл харитаси» ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

в) кўчмас мулк объектнинг (бино, иншоот ва ер участкалари) юридик ёки жисмоний шахс эгалигида бўлиши эмас, балки уларнинг кадастр қийматидан ва объектнинг фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда солиқ солиш тартиби бирхиллаштирилиши ва ер солиғи бўйича адвалор ставка киритилишини;

г) белгиланган тартибда қуйидаги лойиҳалар киритилишини:

2021 йил 1 августга қадар — кадастр қийматини максимал даражада бозор баҳосига яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турар жой фонди кўчмас мулки объектларининг кадастр қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қуриш ва уй-жойга хизмат кўрсатиш объектлари билан банд бўлган ер участкаларининг кадастр (бозор) қийматини аниқлаш тартибини киритиш бўйича ҳукумат қарори;

2021 йил 1 ноябрга қадар — яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари ва ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларининг бозор баҳосига максимал даражада яқинлаштирилган кадастр қийматини аниқлаш механизмини киритиш тўғрисида ҳукумат қарори;

2021 йил 1 декабрга қадар — фойдаланишга рухсат этилган ер участкалари турлари классификаторлари ва уларга бўлган ҳуқуқларни тугатиш учун асосларни назарда тутувчи Ер кодексининг янги таҳрири;

д) 2021-2022 йилларда республиканинг қуйидаги «тажриба-синов» ҳудудларида ер участкаларидан фойдаланилишига ва капитал қурилиш объектларининг белгиланган мақсадига қараб кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига асосланган кадастр қийматини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказилишини:

турар ва нотурар (тижорий) жойларга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани;

саноат объектлари — Навоий вилояти Навоий шаҳри;

рекреацион зоналар ва алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар объектлари — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган объектлар — Бухоро вилояти Ромитан тумани.

Молия вазирлиги 2021 — 2024 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни баҳолашни ўтказиш учун Давлат солиқ қўмитасининг асослантилган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблағ ажратиб борсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Х.С. Тўраҳўжаев) 2022 йил 1 январга қадар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир эгалик қилувчига (фойдаланувчига) тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизимини такомиллаштириш, кўчмас мулк объектларини уларнинг бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда сифатли баҳолашдан ўтказиш методикасини ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4816-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошидаги «сув ресурсларидан» сўзларидан олдин «2020 йилда» сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 декабрь,  
ПФ-6121-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**534 2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида  
қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам  
олиш кунларини кўчириш тўғрисида\***

2021 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

2 сентябрь — пайшанба;

3 сентябрь — жума.

2. 2021 йилда дам олиш куни 27 март — шанба кунидан 22 март — душанба кунига кўчирилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 2 январь — шанба, 20 март — шанба, 22 март — душанба ва 4 сентябрь — шанба кунлари барча ходимлар учун иш хафтасининг туридан қатъи назар, дам олиш кунлари ҳисобланади;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 декабрда эълон қилинган.

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини икки иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги ушбу банднинг учинчи хатбошисидаги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

4. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсин;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 декабрь,  
ПФ-6122-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**535** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида\*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2019 йил 31 май куни Ашхобод шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг фундаментал тадқиқотлар соҳасида давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги ушбу халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 ноябрь,  
ПҚ-4903-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**536 Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида\***

Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм-фанга бўлган интилишларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислохотларни тизимли амалга ошириш, шунингдек, академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ў.Р. Саломов ҳамда ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) иқтидорли ёшларни академик лицейларга саралаб олиш тизимини самарали ташкил этиш, академик лицейларда таълим сифатини мунтазам ошириб бориш, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари):

тегишли академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш учун илғор хорижий мамлакатлар малакали экспертларини жалб қилсин;

академик лицей ўқувчиларининг камида битта хорижий тилни пухта ўзлаштириб чиқиши учун дарс машғулотларига юқори малакали педагоглар жалб қилиниши ва зарурий шароитлар яратилишини таъминласин;

олий таълим муассасалари проректорлари (филиал директорлари ўринбосарлари)ни ўз йўналишлари бўйича академик лицейлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш учун масъул этиб белгилансин;

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, шу жумладан, раҳбар ходимлари белгиланган тартибда академик лицейларнинг дарс машғулотларига жалб қилинишини таъминласин;

академик лицейларнинг таълим инфратузилмаси мунтазам равишда ривожлантириб борилишини ташкил этсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар (бундан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия мустасно) тизимидаги олий таълим муассасалари, шунингдек, хорижий олий таълим муассасалари ҳузуридаги академик лицейларда (қарор бўйича матнда — академик лицейлар) ўқувчи ёшларга таълим беришда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

---

\* Ушбу қарор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни академик лицейларга саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш;

ўқувчи ёшларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш;

ўқувчиларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, ватанпарварлик, изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида тарбиялаш;

академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, уларни «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;

таълим жараёнини мазмунли ва самарали ташкил этиш учун педагоглар малакасини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш тизимини ислоҳ қилиш;

замонавий таълим инфратузилмаси талабларидан келиб чиқиб, академик лицейлардаги мавжуд моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш, билимларни мустақил шакллантириш учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р. Саломов) уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутувчи ўқув меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

умумтаълим фанлар соати ҳисобига чуқурлаштирилган фанлар соатини ошириш ҳамда улар улушини камида 50 фоизга етказиш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартида 10-11-синф ўқувчилари умумтаълим тайёргарлигига қўйилган мажбурий талабларни шакллантириш билан бирга уларнинг иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш имконини берувчи ўқув дастурлари асосида ўқитиш тартибини жорий этиш;

таълим босқичлари узлуксизлигини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг турдош таълим йўналишларида такроран ўқитиладиган фанларни академик лицейлар ўқув дастуридаги тегишли фанлар билан унификация қилиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, академик лицейларда ўқиш даврида унификация қилинган фанларни ўзлаштирган, олий таълим муассасаларида талабалikka қабул қилинган таълим олувчилар учун ушбу фанларни ўзлаштириш ихтиёрий ҳисобланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р. Саломов) унификация қилинган фанлар бўйича дарс машғулотлари тегишли олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилишини таъминласин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

академик лицейларга иқтидорли ёшларни саралаб олиш механизмини 1-иловага\* мувофиқ жорий этиш;

тажриба тариқасида, рўйхати 2-иловада\* келтирилган академик лицейларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан махсус ҳудудларда ўтказиладиган тест синовлари билан биргаликда дастлабки ёзма имтиҳон асосида иқтидорли ёшларни саралаб олишнинг икки босқичли тизимини (кейинги ўринларда — икки босқичли тизим) амалга киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда, 1-иловада назарда тутилган фан олимпиадалари, танлов ғолиблари ва фанларни ўзлаштириш сертификатига эга бўлганлар учун имтиёзлар мазкур академик лицейларга ўқишга қабул қилишда ҳам инобатга олиниши белгилансин.

#### 6. Белгилаб қўйилсинки:

академик лицейларга ҳужжат топширувчиларни рўйхатдан ўтказиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади;

академик лицейнинг тегишли йўналишида ўқиш учун келиб тушган аризалар сони белгиланган қабул параметрига 2:1 нисбатдан кам бўлган ҳолларда мазкур йўналиш бўйича қабул параметрлари тегишли ўқув йили учун аризалар сонига нисбатан икки баравар қисқартирилади, бундан мазкур йўналиш учун бир академик гуруҳ ўқувчилари сонига тенг бўлган ҳоллар мустасно;

икки босқичли тизимда дастлабки ёзма имтиҳон кириш тест синовларидан аввал бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси назорати остида академик лицей томонидан ўтказилади ҳамда унинг яқунлари бўйича ўқувчиларни кириш тест синовларини топширувчилар рўйхатига кириштириш тўғрисида қарор қабул қилинади;

икки босқичли тизимда дастлабки ёзма имтиҳонни ўтказиш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан тасдиқланади ҳамда 2021 йил 1 февралга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р. Саломов) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Таълим инспекцияси) (У.Н. Ташкенбаев), тизимида олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 15 декабрга қадар тажриба натижаларидан келиб чиқиб барча академик лицейларга икки босқичли тизим асосида қабул қилиш тартиби тўғрисида асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссия 4-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг (Ў.Р. Саломов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

ўрта махсус таълим соҳасида иштирок этувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш;

жамоатчилик фикрини ўрганиш, илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш, педагоглар ва ўқувчилар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида академик лицейларда таълим сифатини ошириш ва инфратузилмасини яхшилаш, таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини ташкил этиш;

академик лицейларда таълим фаолиятининг ташкил этилиши, улар фаолиятини бошқариш тизимининг самарадорлиги, яратилган шароитлар, қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва баҳо бериш;

академик лицейларда таълим сифатига, жумладан, улар рейтингига оид кўрсаткичларни танқидий таҳлил қилиш ҳамда улар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатига таҳлилий ҳужжатлар киритиш;

ўрта махсус таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижросини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ташкил этиш.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р. Саломов) ҳамда ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари):

2021 йилдан бошлаб илғор хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Финляндиянинг малакали экспертларини жалб қилган ҳолда ҳар йили академик лицейлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган «Йўл харита»сини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

«Йўл харита»си ижросини хорижий экспертлар иштирокида мунтазам равишда мониторинг қилиб борсин ҳамда аниқланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрсин;

академик лицейларда ҳар ойда камида бир мартаба бевосита олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан академик лицей ходимлари ва ўқувчилари иштирокида «ректор соати» ўтказиб борилишини ташкил қилсин;

tizимида академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда академик лицейларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш, ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш, таълим сифатини тубдан яхшилаш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида олий

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим муассасаларининг тегишли кафедраларини академик лицейлар таълим йўналишларига бириктирсин;

бириктирилган кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан унификация қилинган фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб бориш, илғор ўқитиш услубларини академик лицей таълим жараёнига мос равишда татиқ этиш ҳамда маҳорат дарсларини ўтказиш, лицей ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасида танловлар ўтказиш, ўқувчиларнинг илм-фан, инновацион ва рационализаторлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

академик лицейлар фаолияти йилига камида икки мартаба Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат йиғилиши ҳамда олий таълим муассасаларининг илмий кенгашида кенг муҳокамадан ўтказилади;

олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари учун масъул проректори (филиал директори ўринбосари) бир вақтнинг ўзида академик лицей директори ҳисобланади. Бунда, олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари учун масъул проректор (филиал директори ўринбосари)ларига нормативларга мувофиқ белгиланадиган устамаларга қўшимча равишда олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик 20 фоиз устама тўланади;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш бўйича академик лицейларнинг иккинчи босқич ўқувчилари учун тўртинчи семестр давомида бепул тест синови ташкил этилади;

олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинмаган ҳамда касб-ҳунар эгаллаш истагида бўлган академик лицей битирувчилари бўйсунуви бўйича олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан касб-ҳунарга ўргатиш курслари (марказлари)да ўқитилади. Бунда, тегишли олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) ушбу битирувчиларга касб-ҳунар ўргатиш ишларини ташкил қилиш ва уларга ҳар томонлама қўмаклашиш учун масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

12. Академик лицейларга ходимларни педагогик фаолиятга жалб этиш учун белгиланган камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлиш тўғрисидаги талаб бекор қилинсин.

13. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) Таълим инспекцияси (У.Н. Ташкенбаев) академик лицейларнинг, шу жумладан, қуйидаги йўналишлардаги фаолиятини қамраб олувчи рейтингини ишлаб чиқсин ва унинг шаффоф тарзда юритилишини таъминласин:

академик лицейга ўқишга кириш учун ҳужжат топширган талабгорлар сонининг мазкур лицей учун белгиланган қабул параметрига нисбати (рақобат кўрсаткичи);

олий таълим муассасаларига қабул қилинган ўқувчилар улуши;

рейтинг аниқланган йилда нуфузли халқаро ва республика фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида ғолиб бўлган (совринли ўринларни қўлга киритган) академик лицей ўқувчилари улуши;

чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар улуши;

илмий даражали, чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган асосий штатдаги педагоглар улуши;

хорижий педагоглар, шунингдек, халқаро эътироф этилган ташкилотлар — Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities рейтингларида биринчи 1 000 та ўринни эгаллаган олий таълим муассасалари дипломларига эга бўлган маҳаллий педагоглар улуши;

б) рейтинг натижалари бўйича узлуксиз 3 йил давомида таълим сифатига оид кўрсаткичларида салбий динамика кузатилган сўнгги 5 та ўридан бирини эгаллаб келган академик лицейлар бошқа олий таълим муассасаси тасарруфига ўтказилади ёки бошқа турдаги таълим муассасаси сифатида қайта ташкил этилади.

14. Иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасалари ҳузурида янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар рўйхати 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, олий таълим муассасалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактаб директорлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қуйидагилар янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белги-лансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар;  
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;  
халқаро молия ташкилотларининг грантлари;  
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим инспекцияси ҳамда Республика олий таълим кенгашининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

дарс машғулотларини, шу жумладан, республика ёки хорижий таълим муассасаларининг юқори малакали педагоглари иштирокида онлайн тарзда ўтказиш;

академик лицейлар базасида ушбу лицейларга ўқишга тайёрлаш, компьютер саводхонлигини ошириш, касб-ҳунар, жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) орқали ўзини ўзи банд қилиш (фрилансинг)ни ўргатиш бўйича таълим хизматларини, ёзги ва қишки мактабларни ташкил этиш;

пуллик таълим хизматларини кўрсатиш учун муаллифлик методикалари асосида ишлаб чиқилган, бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муас-

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сасалари кенгаши қарори билан чоп этилишига рухсат этиладиган тайёрлов ўқув адабиётларини яратиш.

16. Академик лицейларга бюджетдан ташқари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

иктидорли педагогларнинг хорижий мамлакатлар таълим муассасаларида ўз мутахассислиги бўйича қисқа муддатли малака ошириш, шу жумладан, онлайн курсларда ўқиши билан боғлиқ харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш;

юқори малакали, шу жумладан, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, алоҳида ютуқларга эришган педагог ва ходимларга устамалар ҳамда моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари миқдорларини мустақил белгилаш ва тўлаш;

иктидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган ўқувчиларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, канцелярия жиҳозлари, дастурий маҳсулотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларини харид қилиш, тайёрлов ўқув адабиётларини нашр этиш, лицейлар веб-сайтларини яратиш ва таъминлаб бориш, масофавий таълим технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳуқуқи берилсин.

Зарур ҳолларда, олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз тизимидаги академик лицейларни ушбу бандда кўрсатилган харажатларни биргаликда молиялаштиришга рухсат берилсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2021 йил 1 январдан бошлаб академик лицей педагоглари ва ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида:

академик лицей педагог ва ўқув-ёрдамчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги айрим фанларга ихтисослаштирилган мактабларнинг тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилади;

академик лицей директорининг ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ўринбосарларининг базавий лавозим маошларига 20 фоиз миқдорида ҳар ойлик устамалар тўланади;

б) бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасасининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари, жумладан, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан академик лицейларда ўрнатилган педагог ва ходимларга лавозим маошларининг 100 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамалар тўланади;

в) академик лицейларнинг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек, фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент илмий унвонларига эга бўлган педагог ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра олий таълим муассасаси катта ўқитувчисига тенглаштирилади;

г) 2021 йил 1 январдан бошлаб ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида таълим муассасаси раҳбарининг базавий лавозим маошига

нисбатан бош ҳисобчининг базавий лавозим маоши 80 фоиз миқдорида, ҳисобчининг базавий лавозим маоши 60 фоиз миқдорида белгиланади.

18. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 17-банди Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тизимидаги академик лицейларнинг (бундан «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари мустасно) шаходатланмаган маъмурий бошқарув, педагог ва бошқа ходимларига нисбатан ҳам қўлланилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативи 1:12 нисбатда белгиланади. Бунда, йўналишлар ва блоклар бўйича бир нафар педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг нормативлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳар семестрда ўқувчиларни салоҳиятига кўра тенг нисбатда гуруҳларга бўлиб ўқитишга рухсат этилади.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р. Саломов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда амалдаги академик лицей ва профессионал таълим муассасаларининг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини соддалаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

21. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж. Ортиқов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда асосланган ҳисоб-китобларга биноан академик лицейларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларининг 2022 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларига мунтазам киритиб борилишини таъминласин.

22. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т. Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов, Тошкент вилояти ҳокими Р.Қ. Холматов, Хоразм вилояти ҳокими Ф.У. Эрманов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев ҳудудларда олий таълим муассасалари ҳузурида янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари мазкур қарорда зиммасига юкланган вазифалар ҳамда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли ташкил қилсин.

23. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳуж-

жатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ў.Р. Саломов белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 20 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 декабрь,  
ПҚ-4910-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**537 Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини  
ташкил этиш тўғрисида\***

Соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида юқори малакага эга олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, ходимларни касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг:

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали негизида Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасини Институтнинг клиник базаси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

соғлиқни сақлаш ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги муассасалари учун тор соҳадаги мутахассисликлар бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;

етакчи хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малакали мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар учун қўшма таълим ва академик мобиллик дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш;

замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш жараёнига илғор ва масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари фаол такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини, касалликлар профилактикаси, паразитология, микробиология, вирусология, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш масалалари бўйича истиқболли инновацион, амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг натижаларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратиш;

бириктирилган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш, илмий-усlubий ёрдам кўрсатиб бориш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

### 3. Белгилансинки:

Институт давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварағига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади;

Институт Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

Институт Фарғона вилоятидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб боровчи ўқитувчиларга доимий равишда илмий-усlubий ёрдам кўрсатиб боради.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Ш. Бегимқулов) уч ой муддатда Институтга юқори салоҳиятга, жумладан, фан номзоди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб қилсин.

5. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) икки ой муддатда:

Институтда ўқув-методик жараёни ташкил этиш, белгиланган тартибда штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институт ахборот-ресурс марказини қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан бойитиш;

Институт кафедраларини йўналишига мос ҳамда имконияти кенг бўлган Фарғона вилоятида жойлашган давлат тиббиёт ташкилотларида жойлаштириш;

республикадаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва бошқа хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси:

Институтни салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида етакчи олий таълим муассасаларида тегишли соҳалар бўйича 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат таълим йўналишлари, клиник ординатура, магистратура мутахассисликлари ва 2021 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фан дастурларини такомиллаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

бошқариш тизими самарадорлиги ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

истикболли қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва ватандошларни жалб этиш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқ-

ланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институтнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А. Пекосъ) Институт мурожаатига мувофиқ уни белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш чораларини кўрсин.

10. Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Х. Бозаров) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) билан биргаликда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жалб этиладиган малакали профессор-ўқитувчиларни хизмат уйлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4310-сон қарорига 5-илованинг «Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари ва клиникалари» блоки 9 — 11-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

10. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали

11. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали».

Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов, Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Х.Х. Бозаров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 3 декабрь,  
ПҚ-4911-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**538 Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида\***

Қорақалпоғистон Республикасида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўриб келинмоқда. Натижада, кейинги уч йил ичида 47 минг гектардан ортиқ ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 11,2 минг гектарга камайди, 140 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шу билан биргаликда, Қорақалпоғистон Республикасида 44,9 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада, 95,2 минг гектар суғориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги эса пастлигича қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлашган назоратини йўлга қўйиш ҳамда илм-фан янгилекларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали сув йўқотишларини камайтириб, каналларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ҳамда суғориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага\*\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага\*\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сувни тежай-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 5 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

диган суғориш технологияларини жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувни ҳисобга олиш ва мониторинг юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш прогноз кўрсаткичлари 5-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларида электр энергиясидан фойдаланишни рақамли технологиялар ёрдамида «онлайн» режимида назорат қилишни жорий этиш прогноз кўрсаткичлари 6-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси насос станциялари ва ирригация тизимлари каналларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий секторга бериш прогноз кўрсаткичлари 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳокимларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган лойиҳалар, шунингдек, 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичлар доирасида бажариладиган лойиҳалар:

хар бир лойиҳанинг натижадорлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳаларда белгиланган қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича тайёрланган тегишли лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

хар бир лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туманлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ҳамда мустақил экспертларни жалб этган ҳолда муҳокама қилинади ҳамда уларнинг ижобий хулосаси асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж. Ортиқов), Молия вазирлиги (О.З. Насритдинходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев):

мазкур қарорнинг 1-иловасида амалга оширилиши белгиланган ирригация ва мелиорация лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида уларни инobatга олсин;

мазкур қарорнинг 4 — 6-иловалари доирасида амалга ошириладиган

---

\* 4 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тадбирлар учун 2021 — 2023 йил Давлат бюджети параметрларида маблағлар кўзда тутилишини таъминласин.

4. Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган лойиҳалар доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши ус-тидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Респуб-ликасининг Бош Вазири А.Н. Ариповга ахборот киритиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши учун талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисо-бидан ажратиб борсин;

мазкур қарорнинг 3-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларига кўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) ва туман-лар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхат-лар, шунингдек, 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар доирасида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифат-ли ишлаб чиқилиши, бош пудрат ташкилотларининг тендер (танлов) сав-долари асосида аниқланиши ҳамда қурилиш ишларининг амалга оширили-шини ташкил қилсин ва назоратга олсин;

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тендер (тан-лов)ларни ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ҳисобига объект-ларнинг қийматини мақбуллаштириш чораларини кўрсин;

лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хом ашё, бутловчи буюмлар ҳамда сифатли қурилиш материалларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинишини таъминласин (мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун);

энергия тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) маз-кур қарорга асосан ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, рекон-струкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилиши ва қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилишида шаҳарсоз-лик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат қурилиш назоратини амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ф.А. Холжигитов) Сув хўжалиги вазирлиги (В.М. Ахмаджонов) ҳамда Қорақалпоғистон Республика-си Молия вазирлиги (М.С. Содиков) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ж.У. Уза-қов) билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 7-ило-

васига мувофиқ хусусий секторга ўтказиладиган сув хўжалиги объектларининг аниқ рўйхатини тузсин ҳамда давлат-хусусий шериклик шартларини аниқлаб, шартнома намунасини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниевга, зарур ҳолларда, тасдиқланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари лойиҳаларининг манзилли рўйхатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) мазкур қарорда назарда тутилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича устувор лойиҳаларни танлаш ва амалга оширишда:

устувор лойиҳалар бўйича таклифлар сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, геология, ер тузиш ва лойиҳа ташкилотлари мутахассислари ҳамда мустақил экспертлар, шунингдек, манфаатдор фермер ва кластерлар иштирокида жойига чиқиб, ҳар бир ҳудуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда шакллантирилишини;

устувор лойиҳалар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари томонидан муҳокама қилиниб, маъқуллангандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилишини;

ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан назорат қилиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4801-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи (Ў.П. Умурзаков)га:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатда назарда тутилган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ишларни илмий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш;

ҳар бир лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ресурс тежамкор ва ахборот технологиялари қўлланилиши бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи технологиялар ва илғор тажрибаларни, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг инновацион усулларини жорий қилиш бўйича илмий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий-техника ютуқларини чоп этиш ҳамда оммавий-ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, семинарлар, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

Ушбу вазифаларни бажаришда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган тегишли олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари жалб қилиниши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) икки ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қулай мелиоратив режимни таъминловчи сув ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилишга оид илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун таклифларни киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) уч кун муддатда мазкур қарорни самарали ижро этишга доир масалаларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашларида муҳокама қилишга киритилишини таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 5 декабрь,  
ПҚ-4912-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**539** «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ўРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон «Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 17 ноябрь,  
51-сон

**Т. ИШМЕТОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2020 йил 9 ноябрь,  
2020-39-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлигининг 2020 йил 17 ноябрдаги  
51-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг  
2020 йил 9 ноябрдаги 2020-39-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 3 мартдаги 10, 2016-06-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2775, 2016 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 135-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 39, 2018-22-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2775-1, 2018 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 12-сон, 228-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 53, 2019-29-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2775-2, 2019 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 22-сон, 418-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**540** «Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 19 августдаги 55, 2011-28, 04-8/3508-сон «Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2268, 2011 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 406-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги 25, 2018-09 ва 08/4-сон «Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2268-1, 2018 йил 1 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.03.2018 й., 10/18/2268-1/0839-сон).

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири****Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 20 ноябрь,  
52-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 12 ноябрь,  
2020-41-сон

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири****Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 18 ноябрь,  
21/14-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**541** «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3160-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 26 мартдаги 03-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3160, 2019 йил 20 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2019 й., 10/19/3160/3153-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 ноябрь,  
201-мҳ-сон

*Келишилди:*

**Раис**

**А. ИКРАМОВ**

*2020 йил 19 ноябрь*

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**542 Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5597-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПК–4546-сон «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 36-сон буйруғи (рўйхат рақами 2977, 2018 йил 1 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 9-сон, 169-модда) билан тасдиқланган Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 20 ноябрь,  
307-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2020 йил  
20 ноябрдаги 307-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
2. 38-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**543** «Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек, стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 3, КТБ-443-13, 06-17/2-4246, 14-Қ/Қ, 119 ва 58/ҚҚ-сон «Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек, стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2548, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 13-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 28 ноябрь,  
5-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 1 декабрь,  
54-сон

**Т. ИШМЕТОВ****Бош прокурор**

Тошкент ш.,  
2020 йил 23 ноябрь,  
ққ-63-сон

**Н. ЙУЛДОШЕВ****Олий суд раиси**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 ноябрь,  
667-сон

**К. КОМИЛОВ****Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 ноябрь,  
12-2020-сон

**И. МАДЖИДОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигининг 2020 йил 28 ноябрдаги  
5-сон, Олий судининг 2020 йил 25 ноябрдаги  
667-сон, Бош прокуратурасининг 2020 йил  
23 ноябрдаги ққ-63-сон, Молия вазирлигининг  
2020 йил 1 декабрдаги 54-сон ҳамда Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил  
30 ноябрдаги 12-2020-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий  
таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан  
таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек,  
стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидаги «таништирув ва малакавий амалиётни» деган сўзлар «таништирув ва битирув малакавий амалиётни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги «таништирув ва малакавий амалиётни» деган сўзлар «та-

ништирув ва битирув малакавий амалиётни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима, 1-бобнинг номи, 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон «Тошкент давлат юридик университетидан кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «юриспруденция» мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) талабалари томонидан таништирув ва битирув малакавий амалиётни, шунингдек, стажировка ўташ тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**қабул қилувчи ташкилот** — талабалар томонидан амалиёт ўталаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, адвокатлик тузилмаси, хўжалик бошқаруви органи, тижорат ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилоти, молия-банк ва бошқа муассасаларнинг юридик хизмати, шунингдек, юридик клиникалар;

**амалиёт** — назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва маҳорат ҳосил қилиш, амалиётда ишлашга тайёр бўлишни таъминлашга қаратилган ўқув жараёнининг бир қисми;

**таништирув амалиёти** — бакалавриятнинг I — III курс талабалари томонидан келажакдаги касбий фаолият ҳақида маълумотлар олиш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда ажратилган кредитларни ўзлаштириш мақсадида ўталадиган ихтиёрий амалиёт тури;

**битирув малакавий амалиёт** — таълимнинг яқунловчи босқичи ҳисобланадиган ва бакалавриятнинг IV курс талабалари томонидан назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш орқали амалиётда ишлашга тайёр бўлишларини таъминлаш, шунингдек, битирув малакавий иши мавзуси бўйича материаллар тўплаш мақсадида ўталадиган мажбурий амалиёт тури;

**стажировка** — магистратура босқичи талабалари томонидан амалий кўникма ва педагогик маҳорат ҳосил қилишга қаратилган, ажратилган кредитларини ўзлаштириш мақсадида ўталадиган ихтиёрий амалиёт тури;

**ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари** — ўқув юкласида амалиёт соати ажратилган, шунингдек, битирув малакавий амалиётни ташкил этишга ҳамда уни назорат қилишга масъул бўлган ОТМ ўқитувчиси;

**қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари** — талабаларни амалий кўникмаларга ўргатиш ва ОТМдан бириктирилган амалиёт раҳбари билан биргаликда эгалланган билимларни баҳолаш масъулияти юкланган қабул қилувчи ташкилот ходими;

**битирув малакавий амалиётни ўташ дастури** — ишчи-ўқув режаларини ҳисобга олган ҳолда ОТМ томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган дастур.

2. Талабалар амалиёти қуйидаги турларда ўталади:

таништирув амалиёти;

битирув малакавий амалиёт;

стажировка.

Амалиёт ўташ муддати ва ҳажми ишчи ўқув режа, модуль (фанлар) ўқув дастурлари, амалиёт ўташ дастури билан белгиланади ва амалиёт ўтаганлик учун тегишли кредитлар ажратилади.

Мазкур Низомнинг ишчи-ўқув режасига тегишли қоидалари Тошкент давлат юридик университетининг ўқув режасига нисбатан қўлланилади.»;

в) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Амалиётни тайёрлаш, таъминлаш ва ўташни мувофиқлаштиришни ОТМнинг амалиётни ташкиллаштирувчи бўлини маси амалга оширади.»;

г) 4-банддан сўнг қуйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

#### **«1<sup>1</sup>-боб. Таништирув амалиётини ўташ тартиби**

4<sup>1</sup>. Таништирув амалиёти ишчи-ўқув режада назарда тутилган энг кам соатлар ҳажмида талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида ўталади.

4<sup>2</sup>. Таништирув амалиёти талаба томонидан қабул қилувчи ташкилот билан келишилган ҳолда ўталади.

4<sup>3</sup>. Таништирув амалиёти юзасидан қабул қилувчи ташкилот томонидан талабанинг амалиёт ўташ давомийлиги кўрсатилган маълумотнома тақдим қилинади.

Тақдим қилинган маълумотнома асосида кредитлар ўзлаштирилганлиги ҳисобга олинади.»;

д) 5 — 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 2-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«2-боб. Битирув малакавий амалиётни ўташ тартиби**

12. Битирув малакавий амалиёт уч босқичга бўлинади:

тайёрлов;

асосий;

ҳисоботларни топшириш ва баҳолаш.

13. Битирув малакавий амалиёт тайёрлов босқичининг биринчи кунда ишчи-ўқув режага асосан ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари ва қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари томонидан йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда

талабалар амалиётни ўташ дастури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазибаларига тааллуқли кўрсатмалар, уларни бажариш бўйича қўлланмаларни оладилар, битирув малакавий амалиёт ўташ ва битирув малакавий амалиёт ўташ тўғрисида ҳисобот тузиш тартиби ҳақида хабардор қилинадилар.

Битирув малакавий амалиётни ўташнинг бошида талабалар қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари ва қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари билан биргаликда битирув малакавий амалиётни ўташ дастурини бажариш режа-жадвалини тузадилар.

14. Битирув малакавий амалиётни ўташнинг асосий босқичида талаба бевосита қабул қилувчи ташкилотда амалиётни ўташ дастурини бажариш режа-жадвалида кўрсатиб ўтилган ишни бажаради.

15. Битирув малакавий амалиёт якунлари бўйича ҳисоботни топшириш битирув малакавий амалиётнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Талаба битирув малакавий амалиёт тугаган куннинг кейинги иш кунинда ОТМдан бириктирилган амалиёт раҳбарига амалиёт ўташ тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Битирув малакавий амалиёт якунлари бўйича ҳисоботда бажарилган иш, ўрганилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, олинган билим ва кўникмалар акс эттирилади. Ҳисобот талаба томонидан имзоланади ҳамда қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари имзоси билан тасдиқланади.

Битирув малакавий амалиёт якунлари бўйича ҳисобот тўғридан-тўғри ёки электрон тизим орқали топширилади ҳамда Ўқув-услубий бошқарма томонидан шифрланган ҳолда баҳолаш учун профессор-ўқитувчиларга тақдим этилади.

16. Битирув малакавий амалиёт якунлари бўйича ҳисоботни баҳолаш қўйидаги мезонларга асосан амалга оширилади:

назарий ва амалий билимлар даражаси;

талаба томонидан амалиёт давомида тўпланган материалларнинг тузилиши, даражаси ва сифати ҳамда уни ўташ давомида ўрганилган масалаларнинг ёритиб берилиши.

16<sup>1</sup>. Битирув малакавий амалиёт якунлари юзасидан баҳо ўқиш бўйича баҳоларга тенглаштирилади ва талабалар умумий ўзлаштиришининг якунларини чиқаришда ҳамда тегишли кредитларини ўзлаштирилганлигини белгилашда инобатга олинади.

16<sup>2</sup>. Битирув малакавий амалиёт ўташнинг кунлик давомийлиги ОТМ томонидан белгиланади.

16<sup>3</sup>. Битирув малакавий амалиётни ташкил этиш учун олдиндан ОТМ ректори томонидан амалиёт муддати ва уни ўташ жойи, масъул шахслар ва жўнатилган талабаларнинг, ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбарларининг таркибий рўйхати белгиланган буйруқ қабул қилинади.

16<sup>4</sup>. Талаба битирув малакавий амалиётни ўташда:

битирув малакавий амалиёт бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;

битирув малакавий амалиётни ташкил этиш ва ўташни назорат қилиш бўйича тадбирларда иштирок этиши;

битирув малакавий амалиётни ўташ дастурида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбарининг талаби билан кўриб чиқиш учун битирув малакавий амалиётни ўташ тўғрисидаги ҳисоботини тақдим қилиши;

кейинги амалий фаолиятда фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириш;

қабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлари фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиши шарт.

16<sup>5</sup>. ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари битирув малакавий амалиётга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди, талабаларни ўз вақтида амалиёт ўташ жойларига тақсимлайди.

16<sup>6</sup>. ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари:

битирув малакавий амалиётни ўташга кетаётган талабаларга уни ўташ бўйича йўл-йўриқлар беради;

талабаларнинг битирув малакавий амалиётини ўташ жойига етиб келишини назорат қилади;

қабул қилувчи ташкилот раҳбари ва қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари билан алоқалар ўрнатади;

талабаларга битирув малакавий амалиёт ўташ дастурини бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатади;

битирув малакавий амалиётнинг бутун даври учун талабаларга индивидуал режа тузади, қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари билан биргаликда ишнинг ҳажми ва таркибини белгилайди;

битирув малакавий амалиётни ўташ жойларига талабаларни тақсимлашда иштирок этади;

битирув малакавий амалиётни ўташ муддатлари ва уни ўташ тартибига риоя қилиниши, шунингдек, битирув малакавий амалиётни ўташ дастури бажарилишининг назоратини, шу жумладан, бевосита талабалар амалиёт ўтаётган жойга чиқиш йўли билан амалга оширади.»

16<sup>7</sup>. Қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари:

талабаларга техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, қабул қилувчи ташкилотнинг ички тартиб қоидалари ва иш режимининг хусусиятлари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатади;

қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган объектлари бўйича талаба-

ларни тақсимлайди, унинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;

талабаларнинг битирув малакавий амалиётни ўташ дастурига тааллуқли материаллардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди;

талабалар томонидан битирув малакавий амалиётни ўташ дастурининг бажарилиши учун зарур шароитлар яратади;

талабаларга ишлаб чиқариш масалалари бўйича маслаҳатлар беради; бажарилаётган иш устидан доимий назоратни амалга оширади;

талаба иш кунининг белгиланган давомийлигига рияз этилишини таъминлайди;

талаба иш вақтидан самарали фойдаланишини таъминлайди;

битирув малакавий амалиёт ўташ тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбарини талаба томонидан амалиёт ўташ дастури бажарилмаётганлиги ҳамда барча меҳнат интизоми бузилишлари ҳақида хабардор қилади;

ОТМдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбари билан алоқани ушлаб туради.

Қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган битирув малакавий амалиёт раҳбарига талабага битирув малакавий амалиёт ўташ дастури билан боғлиқ бўлмаган топшириқларни бериш тақиқланади.

16<sup>8</sup>. Битирув малакавий амалиёт ОТМ билан қабул қилувчи ташкилот ўртасидаги қабул қилувчи ташкилотнинг амалиёт ўташ учун жой ажратиш мажбуриятини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади.

ОТМ ва қабул қилувчи ташкилот битирув малакавий амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартномада шартнома предметини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, битирув малакавий амалиётни ташкил этиш тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини, шартномани бекор қилиш асосларини, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлигини келишиб олади.

16<sup>9</sup>. Битирув малакавий амалиёт якунлари бўйича қониқарсиз баҳо олиниши талаба томонидан тегишли кредитларни қайта ўзлаштирилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.»;

ж) 3-бобнинг номи, 17 ва 18-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

### **«3-боб. Стажировка ўташ тартиби**

17. Стажировка талаба ихтиёрига кўра қабул қилувчи ташкилотларда, шунингдек, тегишли модул (фан) ўқув дастурига мувофиқ педагогик амалиёт сифатида, қоида тариқасида, академик лицей ва техникумларда ўқув машғулотларини ўтказиш кўринишида ўталади.

18. Стажировка ўталганлиги қабул қилувчи ташкилотдан тақдим этиладиган маълумотнома асосида кредитларни ҳисобга олиш тартибида белгиланади.»;

з) 19-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 4-бобнинг номи, 20 — 22-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«4-боб. Амалиётни ташкиллаштиришнинг шартлари**

20. Амалиётни барча босқичларда ташкил этиш талабалар томонидан касбий кўникмаларни эгаллашда узлуксизлик ва изчилликни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

21. Ўқитувчиларнинг амалиётдаги ўқув юкламаси ишчи-ўқув режада кўрсатилган ўқув педагогик соатлар (хафталар)дан ва амалиётни ўташ туридан келиб чиқиб аниқланади.

22. Қабул қилувчи ташкилот амалиётга юборилган талабаларга амалиёт раҳбарини бириктиради.»;

к) 23 — 31-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

л) 5-бобнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«5-боб. Моддий таъминот».**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**544** «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 ноябрь,  
2020-43-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил  
24 ноябрдаги 2020-43-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1500, 2005 йил 29 июль) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 йил, 30-31-сон, 238-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 19 октябрдаги 2008-42-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1500-1, 2008 йил 4 ноябрь) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 448-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 10 октябрдаги 2012-29-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1500-2, 2012 йил 9 ноябрь) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 45-сон, 520-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 5 октябрдаги 2015-31-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма ариза-

лар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1500-3, 2015 йил 8 октябрь) («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2015 йил 40-сон, 524-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 26 декабрдаги 2017-75-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1500-4, 2018 йил 8 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 10/18/1500-4/0527-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**545** «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил  
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1326-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 20 ноябрь,  
22/2-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 декабрда эълон қилинган.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 19 ноябрь,  
01-02/15-47-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
20 ноябрдаги 22/2-сон ва Давлат божхона  
қўмитасининг 2020 йил 19 ноябрдаги  
01-02/15-47-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В ва 01-02/19-16-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1326, 2004 йил 16 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 134-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 22 августдаги 249-В-1 ва 01-02/19-39-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1326-1, 2015 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 35-сон, 471-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 27 январдаги 3/4 ва 01-02/19-11-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1326-2, 2018 йил 12 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 11-сон, 200-модда).

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 51-сон, 2020 йил 9 ноябрдаги 2020-39-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2020 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-3.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 52-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги 2020-41-сон, 2020 йил 18 ноябрдаги 21/14-сон «Телекоммуникация хизматларидан олинган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2020 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2020 йил 24 ноябрдаги 201-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3160-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 20 ноябрдаги 307-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар кириштириш тўғрисида»ги буйруғи.

***2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 28 ноябрдаги 5-сон, Олий судининг 2020 йил 25 ноябрдаги 667-сон, Бош прокуратурасининг 2020 йил 23 ноябрдаги ққ-63-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 54-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 12-2020-сон «Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек, стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548-2.**

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 24 ноябрдаги 2020-43-сон «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-5.**

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 22/2-сон, 2020 йил 19 ноябрдаги 01-02/15-47-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар вақўшимчаниўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2020 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1326-3.**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2775, 2016 йил 7 апрель), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2775-1, 2018 йил 17 март), (рўйхат рақами 2775-2, 2019 йил 27 май)

**2020 йил 30 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Телекоммуникация хизматларидан олинган даромадларни шакллантириш ва тақсим-

лаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2268, 2011 йил 27 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2268-1, 2018 йил 1 март)

*2020 йил 30 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3160, 2019 йил 20 май)

*2020 йил 4 декабрда давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1500, 2005 йил 29 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1500-1, 2008 йил 4 ноябрь), (рўйхат рақами 1500-2, 2012 йил 9 ноябрь), (рўйхат рақами 1500-3, 2015 йил 8 октябрь), (рўйхат рақами 1500-4, 2018 йил 8 январь).

*2020 йил 4 декабрда давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1326, 2004 йил 16 март), шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1326-1, 2015 йил 4 сентябрь) (рўйхат рақами 1326-2, 2018 йил 12 март).

*2020 йил 4 декабрда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**